

## Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 180-ҳадис

180 - وَعَنْ أَبِي مَسْعُودٍ عُقْبَةَ بْنِ عَمْرٍو الْأَنْصَارِيِّ الْبَدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ دَلَّ عَلَى خَيْرٍ فَلَهُ مِثْلُ أَجْرِ فَاعِلِهِ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ. [1893].

180. Абу Масъуд Уқба ибн Амр ал-Ансорий ал-Бадрий розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

**«Ким бир яхшиликка далолат қилса, унга худди ўшани қилганнинг ажридек ажр бордир», дедилар».**

*Имом Муслим ривояти.*

**Шарҳ:** Ҳадиснинг тўлиқ матни қуйидагича эди.

**«Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига бир киши келиб, уловсиз қолганини айтиб, улов сўради. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «Фалончининг олдига бор», дедилар.**

**Бас, унинг олдига борди ва у улов берди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:**

**«Ким бир яхшиликка далолат қилса, унга ажр берилади», дедилар».**

**«Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига бир киши келиб, уловсиз қолганини айтиб, улов сўради».**

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг ўзларида унга бериладиган улов йўқ экан, фалончининг олдига боргин, сенга улов берса

ажаб эмас, деган маънода гап қилдилар. Ҳалиги улов сўраган одам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам зикр қилган одамга борган эди, у улов берди. Шундан сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Ким бир яхшиликка далолат қилса, унга ажр берилади»**, дедилар.

Бу ерда яхшиликка далолат қилувчи – Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам, яхшиликни қилувчи – улов берган одам. Улов берган одам қанчалик ажрга эга бўлса, уни бу яхшиликка далолат қилган зот Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳам шунча ажр берилади.

Эҳтимол, бизда яхшиликка далолат қилиш яхши иш, деган тушунча бордир. Аммо бу ҳадиси шарифда баён қилинган руҳ йўқ. Агар бу ҳадисдаги руҳдан бир оз бўлганида эди, ичимизда яхшиликка далолат қилмайдиган одам қолмас эди.

Исомнинг яхшилик тарафдори эканини қаранг. Ният бобида яхшиликни ният қилган одамга уни қилмасидан олдин савоб ёзилиши айтилган эди. Бу ерда яхшиликни ният қилмаса ҳам, бошқа кишини яхшиликка далолат қилгани учун худди ўша яхшиликни қилувчидек савоб олиши айтилмоқда.

Бу эса сиз билан бизнинг доимо яхшиликка даъват қилувчилардан бўлишимизни тақозо қилади. Қаранг, динсиз, диёнатсиз, иймонсиз одамга калимаи шаҳодатни ўргатиб, уни иймонга далолат қилган одам қанчалар савобга эга бўлади?! Бир одам мўмин-мусулмон бўлиб қанча савоб топса, у ҳам ўшанча савобга эга бўлади! Бетавфиқ бўлиб, намоз ўқимай юрган одамни намозга далолат қилган одам ўша намозга кирган одам умр бўйи намоз ўқиб қанча савоб олса, шунча савобга эга бўлар экан. Бошқа ибодат ва яхшилик ишларга далолат қилишни ҳам шунга қиёс қилавериш мумкин.

Баъзи китобларда ушбу ҳадисни илмни етказиш вожиблиги ва унинг фазли ҳақидаги бобда келтиришган. Чунки кишиларга илмни етказиш яхшиликка далолат эканидандир. Яъни, бир одам бошқаларга илм ўргатса, яхшиликка далолат қилган бўлади. Ундан илм ўрганган одамлар қандай амал қилиб савоб олсалар, ўргатган устоз ҳам улар олган савоб миқдорида савоб олади.

Шунинг учун илм ўрганиш, бошқаларга илмини ўргатиш ўта савобли иш ҳисобланади. Бу хайрли иш орқали ҳеч ким эриша олмайдиган улкан савобларга эришиш мумкин.

Имом Байҳақий ва Абу Яълолар Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сизларга сахийлар сахийсининг хабарини берайми? Сахийларнинг сахийси Аллоҳдир. Мен одам боласининг энг сахийсиман. Мендан кейин сиздан энг сахийингиз, илм ўрганиб, илмини тарқатган одамдир. У қиёмат куни ёлғиз

ўзи бир уммат бўлган ҳолида тирилтирилади. Ва жонини Аллоҳнинг йўлида сахийлик билан тутган кишидир», деганлар.

Бу ҳадисда уламолар сахийликда Аллоҳнинг йўлида жонини ҳам қизғанмаган шаҳидлардан ҳам сахийроқ қилиб васф этилмоқдалар.

Имом Ибн Можа Абу Зарр ал-ўифорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Эй Абу Зарр! Эрталаб туриб Аллоҳнинг китобидан бир оят ўрганмоғинг сен учун юз ракат (нафл) намоз ўқиганингдан яхшироқдир. Эрталаб туриб амал қилингану қилинмаган илмдан бир боб ўқимоғинг сен учун минг ракат (нафл) намоз ўқиганингдан яхшироқдир», деганлар.

Шунчалик тарғиботдан кейин ҳам илмга қизиқмайдиган одам қолиши мумкинми?

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

